FARG‘ONA VILOYATI QUVASOY SHAHAR HOKIMI
Q A R O R I

2021 - yil 15 - sentabr 110-11-167-Q/21 Quvasoy shahar hokimligi

Йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-348-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)* қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 23-модда; 2017 й., 36-сон, 958-модда)* қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Қувасой шаҳар ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимининг 2021 йил 30 июлдаги йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш ва пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш ҳақидаги 130-сонли алоқа хати ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6,25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қувасой шаҳар ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимининг 2021 йил 30 июлдаги Йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш ва пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш ҳақидаги 130-сонли алоқа хати қаноатлантирилсин.

2. Шаҳардаги Қўчқорчи МФЙ ҳудудидан ўтувчи 4Р-204 “Фарғона ҳалқаси Суфон” автомобиль йўли оралиғига 3.24 (50) “Юқори тезлик чекланган” йўл белгиси ўрнатилсин.

3. “Қувасой йўллардан фойдаланиш” унитар корхонаси (Каримов) ушбу йўл белгисини ўрнатиш чорасини кўрсин.

4. Қувасой шаҳар ИИБ ЙҲХГ (Хамраев)га транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун ушбу йўл белгиларига риоя қилинишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

5. Шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати (Абдуллажонов), шаҳар “Исфайрам” тахририяти (Ў.Каримова) мазкур қарорнинг нашр этилишини ва шаҳар ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилишини таъминласинлар.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н.Алимов зиммасига юклатилсин.

7. Қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Shahar hokimi **Р.Рахимжонов**